**Ислом КАРИМОВ:**

**АСРЛАР ДАВОМИДА ХАЛҚИМИЗ УМУМБАШАРИЙ, УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАКОМИЛИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН. ТУРЛИ МИЛЛАТ ВАКИЛЛАРИГА ҲУРМАТ, УЛАР БИЛАН БАҲАМЖИҲАТ ЯШАШ, ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК, ДУНЁВИЙ БИЛИМЛАРГА ИНТИЛИШ, ЎЗГА ХАЛҚЛАРНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЎРГАНИШ КАБИ ХУСУСИЯТЛАР ҲАМ ХАЛҚИМИЗДА АЗАЛДАН МУЖАССАМ.**

# O'ZBEKISTON OVOZI


2000 ЙИЛ
13 ИЮНЬ
СЕШАНБА

№ 68 (26.618).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN


## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕҲРОН САФАРИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ЭКО) олтинчи саммитида қатнашиш ҳамда Эрон Ислом Республикасига амалий ташрифини адо этиш мақсадида 9-11 июнь кунлари Теҳрон сафарида бўлди.

ЭКОга аъзо мамлакатлар делегациялари «Ҳофизия» қароргоҳига йиғилди. Саммит мезбони галдаги олий даражадаги йиғилишга қадар ЭКОга раислик қилади. Бинобарин, мажлисни Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий бошқарди.

Бугунги кунда дунё иқтисодиётидаги жараёнлар тобора фаоллашмоқда. Анъанавий коммуникация тармоқлари ривожланиб, фан-техника ва технология тобора юксак чўққиларни забт этаётир. Шуни инобатга олиб, саммит иштирокчилари ЭКОнинг янги минг йилликдаги стратегиясини ишлаб чиқиш борасида ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказишга келишиб олди. Шунингдек, энди транспорт ва коммуникация, савдо-сотиқ ва энергетика борасидаги ҳамкорлик устувор соҳалар, деб қабул қилинди. Қатнашчилар айрим мамлакатлардаги қашшоқлик, турли юқумли касалликлар билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ечиш, устувор соҳалар билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, саноат, инсон ҳаёти мезонлари бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш, айни пайтда наркотик моддаларнинг ноқонуний савдо-сотиғига қарши биргаликда курашиш истагини билдирди.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг саммитда сўзлаган нутқи жуда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Боиси мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида нафақат минтақамиз, балки дунё миқёсига молик амалий таклифларни илгари сурди. Президентимиз, аввало, ЭКО том маънода Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бўлиши лозимлигига эътиборни қаратди. Яъни, аъзо мамлакатлар ташкилот фаолиятига сиёсий тус беришга интилмасдан, биринчи навбатда, минтақада иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида бош қотириши керак. Шунингдек, дунё иқтисодиёти шиддат билан ўзгариб, илм-фан ва технология ривожланиб бораётган замонда ташкилот шароитга мослашмоғи ва шу жиҳатдан олиб қаралганда, ЭКОни ислоҳ этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, саммитда тўғри таъкидланганидек, баландпарвоз гаплар билан бирга, шунчаки имзоланаётган лойиҳалар ҳам оз эмас. Шу пайтгача тасдиқланган эллик лойиҳанинг тўққизтасигина ҳаётга татбиқ этилаётгани бунга яққол мисол бўла олади. Аслида ЭКО доирасида бирор ҳужжат имзоланса, кенг овоза қилинади, лекин ижрога келганда, сусткашлик ва эътиборсизликка дуч келинмоқда.

Қабул қилинган қарор, имзоланган ҳужжатларнинг ижроси аввало барқарорликка боғлиқ, деб таъкидлади Ўзбекистон раҳбари учрашувда. Шу боис Афғонистонда тинчлик ўрнатилмас экан, ЭКО доирасидаги деярли барча саъй-ҳаракатлар зое кетаверади. Бу беқарорлик эса нафақат минтақага, балки бутун дунёга хавф соляпти. Афғонистондан чиқаётган террорчилар, гиёҳванд моддалар жуда олис ўлкаларга ҳам етиб боряпти ва ҳалокат уруғини сочяпти. Ислом Каримовнинг фикрича, Афғонистондаги қарама-қаршиликни тугатиш учун унга ташқи аралашувга чек қўйиш лозим. Мазкур ўлкада тинчлик ўрнатиш учун эса аввалambор ўт очишни тўхтатиш ва музокара бошлаш керак. Қуролли тўқнашувлар бир томоннинг иккинчи томон устидан мутлақ ғалаба қозонишига олиб келмайди. Буни айниқса «Толибон» ҳаракати яхши англаб етиши зарур.

ЭКО саммитида Президент Ислом Каримов илгари сурган яна бир масала наркотик моддаларнинг ғайриқонуний савдосига тегишли бўлди. Ҳозирги кунда дунёда етиштириладиган гиёҳванд моддаларнинг 70-75 фоизи Афғонистонда тайёрланмоқда ва асосан, ЭКО мамлакатлари орқали жаҳонга тарқаляпти. Айни пайтда бу кулфат мазкур давлатларнинг ўзида ҳам оғу истеъмолининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш дастури вакили эълон қилган маълумотга кўра, Эрон ва Покистонда героин истеъмол қилувчи кишилар сони бир миллионга етган, Марказий Осиёда ҳам бу кўрсаткич ошмоқда. Албатта, ЭКО мамлакатлари ғайриқонуний ташилаётган наркотик моддаларни ушлаш борасида дунёда етакчи ўринда туради. Бутун дунёда мусодара этилаётган оғунинг 80-90 фоизи ЭКОга тўғри келади. Лекин бу муаммони тўла ечмайди. Шу боис, саммитда қабул қилинган ва Теҳрон декларацияси номини олган ҳужжатга ЭКО ҳузурида БМТнинг махсус дастури билан ҳамкорликда ишловчи наркотик моддаларнинг ғайриқонуний ҳаракатланишига қарши курашни мувофиқлаштирувчи орган ташкил этиш тўғрисидаги банд киритилди.

Президент Ислом Каримовнинг Эронга амалий ташрифи дастурдагидан анча олдин бошланди. Теҳронга келган куни давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ислом Каримов шу куни кечқурун Эрон ташқи ишлар вазири Камол Харрозий билан учрашди.

11 июнь куни Эрон Президентининг «Жумҳурия» қароргоҳида бўлиб ўтган икки мамлакат давлат раҳбарларининг музокаралари ҳақида мулоҳаза юритишдан аввал, сўнгги йилларда Эронда юз бераётган ўзгаришлар хусусида тўхталиб ўтсак. Эроннинг 1979 йилдан буён деярли ўзгаришсиз келаётган сиёсий ҳаётида сўнгги уч йил мобайнида сезиларли бурилиш юз бермоқда. Давлат тепасига катта ислоҳотлар орзусида бўлган Муҳаммад Ҳотамий келди. У халқаро иқтисодий ва сиёсий тазйиқлар қуршовида қолган мамлакатини янги йўлга бошламоқчи бўлди. Лекин мамлакатда катта нуфузга эга бўлган радикал кучлар бунга имкон бермаслиги аниқ эди. Парламент ҳам уларнинг ёнини олди. Муҳаммад Ҳотамий учун президент лавозимини эгаллаш қанчалик қийин кечган бўлса, ўз режаларини амалга ошириш ундан ҳам оғир эди. Ниҳоят бу йил баҳорда Эронда парламентга сайлов ўтказилди. Сайлов танлаган йўлида собит турган Муҳаммад Ҳотамий фойдасига ҳал бўлди: депутатлар орасида ислоҳотлар тарафдори бўлганлар тахминан 60 фоизни ташкил этди. Бу мамлакатда Президент Ҳотамийнинг йўлини ёқлайдиганлар кўпайгани, у ўтган вақт ичида аҳолининг аксар қисмида ўз сиёсатига ишонч ва эътиқод уйғота олганидан дарак беради.

Айни пайтда Эрон Марказий Осиё мамлакатлари, аввало, Ўзбекистон билан муносабатларни мустаҳкамлашга киришмоқда. Бунинг сабаби, аввало, мамлакатимизнинг минтақадаги юқори мавқеи ва Президент Ислом Каримов юритаётган изчил сиёсат билан изоҳланади, албатта.

Теҳронда кечган музокаралар чоғида ЭКО фаолияти ва Афғонистон муаммоси бўйича Ўзбекистон билан Эроннинг қарашлари яқин эканлиги намоён бўлди. Ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлик икки томонда ҳам теран ҳис этилмоқда. Айниқса, транспорт коммуникацияси ва савдо-сотиқ борасида. Бундан ташқари, музокараларда жуда тўғри таъкидланганидек, баландпарвоз гаплар гапириш, кўплаб ҳужжатларга имзо чекиш мумкин, лекин ўзаро ишонч ва ҳурмат бўлмаса, барча саъй-ҳаракатлардан наф йўқ.

Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан Эрон Ислом Республикаси Президенти ўртасидаги музокаралар якуни бўйича Қўшма баёнот имзоланди. Шунингдек, уюшган жиноятчилик, террорчилик, наркотик моддаларнинг ғайриқонуний ҳаракатланиши, жиноятчиларни ушлаб топшириш, божхона хизматларига ёрдам кўрсатиш, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашув, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш борасида ҳам ҳужжатлар қабул қилинди.

Эронга сафари чоғида Президент Ислом Каримов ЭКО саммитида иштирок этиш учун Теҳронга келган айрим мамлакатлар раҳбарлари билан учрашди. Дастлаб Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев билан учрашув бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимизнинг икки томонлама алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикрлашиб олинди. Ислом Каримовнинг Покистон ижро ҳокимияти раҳбари Парвез Мушарраф билан учрашувида ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар мулоқотнинг бош мавзуи бўлди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент — Теҳрон — Тошкент**

**Суратда: ташриф чоғидан лавҳа**
**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 июнь куни Оқсарой қароргоҳида Халқаро валюта жамғармасининг Иккинчи Европа департаменти директори Жон Одлинг-Сми раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мазкур делегация Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишиш, жамғарманинг мамлакатимиз билан ҳамкорлигини кенгайтириш имкониятларини ўрганиш мақсадида юртимизга ташриф буюрган. Давлатимиз раҳбари бу хайрли ният келгусида алоқаларимизни ривожлантиришда муҳим ўрин тутажагига умид билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## ТИНЧЛИК КОРПУСИ ҚИБРАЙДА

Қибрай туманидаги «Дўрмон» ва «Байтқўрғон» қишлоқларидаги бир қатор мактабларда ўз дастурлари бўйича Америка Қўшма Штатларидан ташриф буюрган Тинчлик корпусининг 25 нафар аъзоси ўқувни муваффақиятли якунладилар. Улар ўқув жараёнида ўзбек ва рус тилларини пухта ўзлаштириб, миллий урф-одатлар, анъаналаримизни ўргандилар. Корпус аъзолари махсус қўлланмалар бўйича тайёргарлик кўриб, кичик бизнес асосларидан таълим бериш, илғор методик манбалар асосида мактабларда инглиз тилини ўқитиш ишларига ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар, деб ёзади **мухбиримиз Соҳибжон САЛИМОВ.**

## ЙИЛ ОЙ КУН

### ФРАНЦИЯЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР САМАРҚАНДДА

— Қўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрига Франциянинг етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюрдилар, — дея хабар беради ҳамкасбимиз **Лутфулла Мамасолиев.** — Меҳмонлар орасида «Ла Трибюнь» иқтисодиёт газетаси мухбири Алон Барон, «Франц интернационал» радиоси ходими Норбарт Наварро, «Сенат» телеканали вакили Ларон Ришар, «Агессо» агентлиги мухбири Элизабет Лефевр ва бошқалар бор.



Шунингдек, хорижий журналистлар «СамКочАвто» қўшма корхонасида бўлишди. Шу ерда меҳмонлар самарқандлик ишбилармонлар ва тадбиркорлар вакиллари билан учрашдилар.

### МАТОНАТЛИ РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

— Фарғона шаҳри кўргазмалар уйида Фарғона туман «Чимён» қишлоғида яшовчи ёш рассом Шуҳрат Ўринбоев асарларининг кўргазмаси очилди, — деб хабар беради мухбиримиз **Алишер Ибодинов**. Икки қўли йўқ бу матонатли йигитнинг оёғи билан чизган манзаралари, портретлари, натюрмортлари нафақат кўргазма иштирокчиларининг, қолаверса, мутахассисларнинг ҳам олқишига сазовор бўлди.



### ҚЎҒИРЧОҚЛАР ИНГЛИЗЧА ГАПИРАДИ

Бухоролик қўғирчоқлар инглизча гапирмоқда — «Тасвирий ойина» уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил этилган қўғирчоқ театрида «Тўйлар муборак», «Чодиржамол» спектакллари инглиз тилида қўйилмоқда.



Халқимиз маданий ҳаёти билан чуқурроқ танишишдаги бу қулайликдан хурсанд чет эллик сайёҳлар ўзбекларга қарата «o'кей» дейишмоқда.

### ПИЛЛАКОРЛАР МАРРАДА



— Қашқадарёлик пиллакорлар 1800 тонна ҳосил кўтариб, маррага етдилар. Хирмонга шаҳрисабзликлар 362, китобликлар 255, яккабоғликлар 247, косонликлар 184 ва қаршиликлар 182 тонна улуш қўшди, — дея суюнчилайди **Юнус Узоқов.**

### ЧИРОҚСИЗ МЕҲМОНХОНА

Чироқсиз уй бўларди, чироқсиз қишлоқ мумкин, чироқсиз меҳмонхонаси нима экан, дейсизми?



Мухбиримиз **Юсуф Жўраев** Навоий шаҳри марказидаги «Навоий» меҳмонхонасида икки кеча шам ёқиб меҳмон бўлди. Журналистик суриштирувда аниқланишича, ҳайҳотдай меҳмонхона чироқ пулини... тўламаган экан...

■ **Рукн материалларини Акбар ЖОНУЗОҚОВ саралади.**

## ХАЛҚ ЭЪЗОЗИДАГИ АДИБ

Саид Аҳмадни Ўзбекистоннинг энг севимли ва энг ардоқли ёзувчиларидан, десак муболаға бўлмайди. Зотан, юртимизда унинг сеҳрли қаламига мансуб китоблар кириб бормаган хонадоннинг ўзи йўқ. Қолаверса, китобхони, томошабини ва шогирдлари энг кўп адиблардан бири ҳам айнан Саид Аҳмаддир.

10 июнь куни пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида халқимиз эъзозига сазовор бўлган адиб таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов очар экан, Саид Аҳмад собиқ шўролар замонида ўзбек адабиёти бошига тушган оғир кунларнинг гувоҳи бўлиш билан бирга, юртимизнинг мустақиллигини ҳам кўриш насиб этган ва бугун истиқлолимизнинг янада мустаҳкамланиши учун астойдил хизмат қилаётган хассос адиб эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмадга йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Мелибоев ўқиб эшиттирди. Кечада сўзга чиққан Маданият ишлари вазири Х. Жўраев, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Э. Воҳидов, халқ ёзувчилари Ў. Ҳошимов ва Н. Аминов адиб босиб ўтган ибратли умр йўли, унинг ижоди ва фаолияти ҳақида сўзлади. Севимли адибимиз шаънига айтилган ҳар бир табрик, ҳар бир сўз ўзбекона тароналар ва ичакузди ҳангомаларга уланиб кетди. — Бугун мендан бахтли инсон йўқ, — деди Саид Аҳмад. — Шогирдларим бағримда, эл назаридаги инсонман. Бахтлилигимнинг боиси яна шундаки, мустақил юртимизнинг энг юксак орден ва медаллари, «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвонига сазовор бўлдим. Юртбошимиз кўпдан-кўп масъулиятли юмушларидан вақт ажратиб, менга самимий табрик йўллаганидан қалбим айниқса қувончга тўлди. Буларнинг барчаси учун Президентимиздан, халқимиздан беҳад миннатдорман.

■ **(ЎзА)**

## ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК

Янгийўлдаги «2503-автожамланма» рационализаторлари яратган ихтиронинг иқтисодий самараси салмоқли.

Маълумки, қозонхона ва қувурлар қурумларини йўқотиш учун тузли қоришмалар ишлатилади. Шу вақтгача ундан бир маротаба фойдаланиларди. Ихтирочилар гуруҳи мазкур қоришмаларни қайтадан ишлатиш технологиясини йўлга қўйдилар. Натижада ҳар йили 50 тоннагача ана шундай тузли қоришмаларни иқтисод қилиш имкони туғилди. Бу эса ўз навбатида бир йилда 200 минг сўмдан ортиқроқ фойда кўришни таъминлайди, деб ёзади **Салим Соҳибжонов.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 13 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгальтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади**

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 144,81 |
| 1 Австрия шиллинги | 17,01 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 370,58 |
| 10 Бельгия франки | 58,03 |
| 1 Голландия гульдени | 106,22 |
| 10 Греция драхмаси | 7,00 |
| 1 Дания кронаси | 31,36 |
| 1 БАА дирхами | 67,11 |
| 1 АҚШ доллари | 246,48 |
| 1 Миср фунти | 71,50 |
| 10 Испания песети | 14,07 |
| 100 Италия лираси | 12,09 |
| 1 Канада доллари | 167,28 |
| 1 Хитой юани | 29,78 |
| 10 Люксембург франки | 58,03 |
| 1 Малайзия ринггити | 64,87 |
| 1 Германия маркаси | 119,68 |
| 1 Польша злотийси | 55,78 |
| 1 СДР | 328,05 |
| 1000 Туркия лираси | 0,40 |
| 1 Финляндия маркаси | 39,37 |
| 1 Франция франки | 35,69 |
| 1 Швейцария франки | 149,74 |
| 1 ЕВРО | 234,08 |
| 10 Жанубий Корея вони | 2,21 |
| 10 Япония иенаси | 23,06 |
| 1 Россия рубли | 8,72 |
| 1 Украина гривнаси | 45,32 |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Қарши туманидаги тайёрлов идораси мулкчиликнинг нодавлат шакли ҳиссадорлик жамиятига ўтганидан сўнг, кескин ўзгаришлар юзага келди. Жумладан, энди меҳнатга, мулкка бўлган муносабат ўзгача. Чунки ишлаган, жамият ютуқларига ўз улушини қўшган киши яхшигина дивиденд олаяпти.

— Ўтган йил 1350 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жамғарган бўлсак, бу йил эса бу кўрсаткич 2800 тоннани ташкил этади, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Иброҳим Арслонов. — Шу тариқа вилоят аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшаяпмиз. Режадан ортиғи эса Россия давлатига шартнома асосида товар айирбошлаш йўли билан жўнатилади. Икки-уч йилдан буён шу тартибда фаолият кўрсатаяпмиз. Бу йил ҳамкорлигимиз кўламини янада кенгайтирмоқчимиз.

■ Илҳом КАРОМОВ

ТАШАББУС

# ЗИЁ СОЧАР МАСКАН

— Бугунги бозор иқтисоди шароитида обуна бўлган газета ва журналларни ўз вақтида ололмаганимиздан ўзимизда, Арнасой тумани марказида газета ва журналлар савдоси учун дўкон очишни кўнгилга тугиб қўйдим, — дейди журналист Намоз Қаршиев. — Вақт топиб, туман ҳокимининг ўринбосари Қўлдош Сандибоев билан ушбу масала хусусида маслаҳатлашдик. У киши дарров ниятимни англади: «Жуда яхши, бу ташаббусингиз бизга ҳам маъқул, сабаби, олис «Самарқанд», «Туркистон» ва «Фарғона» хўжалигидан келадиган деҳқонлар ҳам газета ва журналларни шу ернинг ўзидан оладиган бўлишади», — деди.

— Аввалига эй, бу ишни олдин бошлаганлар ҳам эплаёлмай ташлаб кетувди, сизлар ҳам эплай олмайсизлар деганлар ҳам бўлди, — дейди дўкон мудираси Ўрозгул Қаршиева.

Аҳоли талаби асосида дўкон матбаа маҳсулотлари билан тўлдирилди. Бировга ёзув қоғози, бировга ручка, қалам, дегандай дўкондаги савдо тезда ривожланиб кетди.

Газета ва журналларнинг нархи ўзига яраша бўлса-да, бу ерга келган раҳбар ёки деҳқон газета харид қилишга ҳаракат қилади, сабаби, туман ҳокими Райим Есенқуловнинг ўзи кундалик янгилик ва ахборотларни ҳар бир йиғилишда ходимларидан бирма-бир сўраб турар-кан.

Айниқса, аҳоли «Ўзбекистон овози», «Оила ва жамият», «Қалб кўзи» ва «Осиё бозори» газеталарини севиб харид қилишмоқда. Бу газеталар ўз ўқувчисини топаётганлиги бизни қувонтирди.

— Биласизми, туман матбуот тарқатиш бўлими фаолиятимизни тўхтатишни сўраяпти. Бизга «Ўзбекистон овози» газетаси муассислик қилса ишимиз юришармиди. Ахир республикамиздаги марказий газеталар савдосини туманда ташкил қилсак нимаси ёмон, — дейди Ў. Қаршиева.

Бозор иқтисоди рақобат билан тараққий топади. Рақобат кучайган пайтда меҳнат қадрланади. Янгича яшашга иштиёқ эса тадбиркорликнинг янги қирраларини очиб бораверади.

Чиндан ҳам жамиятимизда матбуотнинг ўрни ва мавқеи беқиёс. Оммавий ахборот воситаларининг ҳар бири давр талаби асосида воқеа-ҳодисаларга таҳлилий-танқидий нуқтаи-назардан қараб, янгиликларнинг мағзини ўқувчилар қалбига етказа олса, уларнинг обрў-эътибори эл-юрт орасида ортиб бораверади.

■ Юсуф ЖЎРАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

# ТАДБИРКОР СОЛИҚЧИЛАРГА БИНО ҚУРДИ

Жиззах вилояти Бахмал тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари вилоят иқтисодий салоҳиятини оширишга муносиб улуш қўшиб келаяптилар. Зотан, халқимиз қадимдан саховатпеша. Яқинда тумандаги «Электромонтаж» хусусий кичик корхонаси раҳбари Абдуазим Қудратов ўз ҳисобидан туман солиқчиларига замонавий услубдаги янги бинони қуриб, фойдаланишга топширди.

Асадбек Раҳматов етакчилик қилаётган туман солиқ инспекцияси жамоаси юрт фаровонлиги йўлида жаҳоний андозаларга мос услубда иш юритишни мақсад қилиб қўйганлар.

■ Нигора ТОШМУРОДОВА, «Қаламкаш» талабаси

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ



# ДОВРУҚ

Ўзбек пахтасининг довруғи қадимдан бутун дунёга таралган. Бу ерда ўз ишининг устаси бўлмиш ажойиб пахтакорлар етишиб чиққан. Етиштирилган тола эса дунёдаги барча тўқимачилик корхоналари вакилларига манзур бўлган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу соҳада дадил қадамлар қўйила бошланди. Яъни, пахтакорларимиз етиштирган сифатли тола эндиликда бемалол жаҳон бозорларини забт этмоқда. Толамиз гоҳ Ливерпуль, гоҳ Париж биржаларида юқори баҳоларда сотилмоқда. Эндиликда маҳсулотларимиз АҚШ, Буюк Британия, Голландия, Германия, Ирландия, Хитой, Жанубий Корея истеъмолчиларига ҳам манзур бўлмоқда.

Айниқса, хоразмлик пахтакорлар етиштирган сифатли толалар хориждаги тўқимачилар учун энг сифатли хомашё сифатида машҳур бўлиб қолди. Масалан, Ҳонқа тумани деҳқонлари етиштирган пахтадан мўл ва сифатли тола олинмоқда. Маълумки, бу туман пахтакорлари бир неча ўн йиллардан буён йиллик пахта топшириш режасини мамлакатда биринчилардан бўлиб бажарадилар. Гектарлар самарадорлиги ҳам ортиб бораётир. Ўз-ўзидан сифатли пахта етиштирилгандан сўнг ундан аъло навли тола ҳам ажратиб олинади-да. Туман пахтакорлари ўз маҳсулотларини ҳамиша Хонқа пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қайта ишлаш учун топширадилар.

Ҳиссадорлик жамияти аъзолари ўтган 1999 йилда ибратли ишларни амалга оширишди. Улар пахтакорлардан 35 минг 721 тонна ҳосил қабул қилиб, шу йилнинг май ойигача 32 минг 900 тонна пахтани қайта ишлашди. Ўтган йили 1 миллиард 258 миллион 40 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 8461 тонна тола тайёрланди. 14 минг 946 тонна чигит, 641 тонна момиқ, 414 тонна улюк ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Пахтадан тола чиқиши эса режадаги 31 фоиз ўрнига 31,4 фоизни ташкил этди. Таннархи анча арзон бўлди. Натижада толанинг ўзидан 61 миллион 700 минг сўмлик даромад олинди. Бундан ташқари 15 миллион 643 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ҳам ишлаб чиқаришга эришилди. Аҳолига 422,3 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Меҳнат унумдорлиги эса 107 фоизга ошди. 92,1 фоиз ёки 8 минг 798 тонна маҳсулот хорижий мамлакатларга экспорт қилинди.

Буларнинг ҳаммаси ўз самарасини берди. Яқинда корхонага Мадриддан хушхабар келди. Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти аъзолари ишлаб чиқарган пахта тойларига юксак баҳо берилди. Мадрид бизнес тадқиқотлари дастури президенти Альфонсо Касаль Халқаро танлов қўмитаси қарорига кўра корхонанинг 2000 йил маҳсулотлари учун «Европа Арки» мукофоти берилганлигини маълум қилган. «Европа Арки» мукофотининг топширилиш маросими илғор корхоналарнинг тадбиркорлик фаолиятига бериладиган юксак баҳо сифатида ўтказилди. Ишбилармон доиралар вакилларининг Париждаги йиғилишида ана шу мукофот тантанали равишда тақдим этилди. Бу наинки Хонқа пахта тозалаш ҳисссадорлик жамиятининг, балки бутун ўзбек пахтакорларининг ютуғидир.

Умуман олганда, ҳиссадорлик жамиятида кейинги йилларда иқтисодий ислоҳотлар чуқур олиб борилаётганлиги кўзга ташланмоқда. Бу ерда барча цехлар, технологик жараёнлар янгиланди. Одамлар ўз касбларига жонкуярлик билан ёндашмоқдалар. Шу боис ҳам корхонадагилар ўтган йили 32 миллион сўм соф фойда кўришди. Бу ерда ишлаётган 598 киши ўз акциясига баракали дивиденд олди. Агар ҳар бир акцияга 68 фоиздан дивиденд тўланганини ҳисобга оладиган бўлсак, корхонадагилар яхшигина манфаатдор бўлганлигини ҳис этиш қийин эмас.

Ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш миқёсларини кенгайтириш мақсадида қўшма корхона ташкил этилганига анча бўлди. «Ҳонқа-Шуя» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси мана бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Қишлоқда яшайдиган кўплаб қиз-жувонлар иш билан таъминланди. Бу ерда турли нотўқима материаллар, сочиқ цехи, тикувчилик цехи ишлаб турибди. Америка ва Швейцариянинг «Донаванд» фирмаси орқали қуритиш цехи, вентиляция қурилмалари бунёд этилди. Бунинг натижасида пахтани сифатли ва йўқотишларсиз сақлашга эришилмоқда.

Корхона ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари ғайрат билан меҳнат қилиб ўтган йили қабул қилинган пахтани қайта ишлаб бўлишди. Эндиликда янги ҳосилга пухта замин тайёрланмоқда. Бунинг учун хўжаликларга 300 миллион сўм маблағ аванс тариқасида тарқатилди. Хўжаликларга эрта кўкламдаёқ сифатли уруғлик чигит берилди.

Бугунги кунларда эса ҳонқалик пахта тозаловчилар ўз муваффақиятларини янада кенгайтириш учун астойдил ҳаракат қилишаётир.

— Бизнинг бу йилги режаларимиз янада улкан, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Азимбой Ортиқов. — Шу боис ҳам ҳар бир ишчи, ҳар бир муҳандис-техник ходим ўз ишига масъулият билан ёндашмоқда. Биз эса одамларга яхши шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Масалан, ойлик маошлар ўз вақтида тарқатилмоқда, корхонага қарашли ҳаммом, ошхона ва болалар боғчаси ишлаб турибди. Бошқа маданий-маиший шароитлар ҳам тўла яратиб берилган. Корхонамизда илғорлар сафи кенгайиб бормоқда. Масалан, бош муҳандисимиз Бозорбой Рўзматовни олайлик. У ҳамиша корхонанинг ривожланиши учун жон куйдиради. Ҳожибой Отамуродов, Тоҳир Ҳамроев, Фарида Муҳаммаджонова, Умид Рўзметов, Шавкат Дўстжонов, Меҳрибон Бобожонова, Бахтиёр Шерматов, Солижон Йўлдошевлар ўз ишининг усталари ҳисобланишади.

Ҳонқа пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти аъзолари айни пайтда янги мавсумга ҳозирланмоқдалар. Улар мамлакат мустақиллигининг тўққиз йиллигини корхонани янги мавсумга шайлаган ҳолда кутиб олишмоқчи.

■ Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

ТАКЛИФ

# ОЁҚ ОСТИДАГИ БОЙЛИК

Пишиб етилган мевани вақтида йиғиштириб олмасанг, ҳосилдан айрилиб қоласан. Турган жойида айниб, бузилиб қолиши мумкин. Имошаҳрида эмас, балки мамлакатимизнинг деярли барча шаҳарларида қад ростлаб турган азим тeракларни ҳам кесиб фойдалансак,



ратбоп тераклар ҳам худди шундай: ўсиб, маромига етгач уларни кесиб ишлатмасангиз чирийди. Эътибор берган бўлсангиз, бир вақтлар шаҳар кўчалари бўйларига, хиёбонларга жуда кўплаб кўктераклар экилган. Бугунги кунда улар қучоққа сиғмас дарахтларга айланган. Ҳар биридан бемалол бир-икки кубометр миқдорида сифатли тахта тайёрлаш мумкин. Тасаввур қилинг, биргина Тошкент шаҳримизда камида юз минг туп кўктерак бўлса, демак, икки юз эллик-уч юз минг кубометр тахта ва бошқа ёғоч маҳсулотлари мавжуд демакдир.

Ҳозирги кунда бир кубометр тахтанинг бозордаги баҳоси қанча эканлиги маълум. Демак, миллион-миллион сўмлик тахта ва ёғоч маҳсулотлари шаҳримизда мавжуд.

Қишлоқларда бундай кўктераклар вақтида кесиб олинади ва ўрнига ўша терак новдаларидан бир нечта экиб қўйилади. Биргина Тошкент қанча бойликка эга бўламиз. Умуман, саноат тeракларини ҳар йили экиб кўпайтиравеpишимиз лозим. Шунда республикамизга четдан ёғоч маҳсулотлари келтиришимизга зарурат қолмайди.

Менимча, ўша тeракларни турган жойида аҳолига сотиш керак. Арзон баҳоларда сотиб олган кишилар тeракларни усталик билан кесиб олишга қодирдир. Қарабсизки, айниқса, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар ҳам хонадонларига пол қилиб олардилар. Шунингдек, боғча, мактаб ва бошқа ташкилот, муассаса, идорада ишловчилар ҳам жамоа бўлиб тeракларни сотиб олишлари ҳамда фойдаланаётган хоналари-ю каридорларига ишлатишлари мумкин. Аксинча эса бир-икки йил орасида етилган, кекса кўктераклар турган жойида чириб қолиши, сўнг яроқсиз ҳолга келиши ҳеч гапмас.

■ Азамат ТОИРОВ





*Қарши давлат санъат билим юртининг мусаввирлик бўлимида мамлакатимизнинг турли манзилларидан келган 80 дан ортиқ йигит-қизлаp таълим олмоқда. Пухта билим бериш, касб сирларини мукаммал ўргатиш борасида Бахтиёр Қурбонов, Раҳим Алибоев, Абдурашид Тошмуродов сингари жонкуяр устозларнинг саъй-ҳаракатлари катта бўляпти.*

Суратларда: *1. Тажрибали ўймакор-наққош Раҳим Алибоев талабаларга дарс ўтмоқда.*

*2. 2-курс талабаси, Амир Темур номидаги стипендия соҳиби Ҳусан Зиёвуддинов.*

■ Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

# БИР ПАРТАГА УЧ ЎҚУВЧИ СИҒАДИМИ?

## Тошкент вилояти халқ таълими мутасаддилари диққатига!

Биз доим юқори кўрсаткичга эришишга интилиб яшаймиз. Лекин юқори кўрсаткичга эришиш кишидан қийинчиликларни сабр-бардош билан енгишни талаб этади. Бир сўз билан айтганда, бу осон иш эмас. Қийинчиликларга чидаган, ҳузур-ҳаловатдан кечган раҳбаргина жамоасини юқори кўрсаткичларга эриштира олади.

Республика Давлат Тест маркази маълумоти билан танишсангиз, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси абитуриентларнинг тестдаги жавоблари бўйича ўтган йили мамлакатимиз вилоятлари халқ таълими бошқармалари ўртасида ўнинчи ўринга тушиб қолганлигининг гувоҳи бўласиз. Фикр туғилади: пойтахт вилояти халқ таълими маълум маънода бошқа вилоятларга ўрнак бўлиши керак эди-ку? Масалан, 1997 йилда абитуриентларнинг тестдаги жавоблари самарадорлиги 40,53 фоиз бўлиб, ўн биринчи ўринга, 1998 йилда 37,05 фоиз бўлиб, яна ўн биринчи ўринларга тўғри келган.

Хўш, вилоят ўқувчиларининг билим олиш даражаси пастлигига нима сабаб?

Ахир, Тошкент вилояти бошқа ҳудудларга нисбатан ўзига хос билим олишга, интилиб, изланишга, қулай географик хусусиятларга эга-ку!? Масалан, вилоят ҳудуди пойтахт атрофида жойлашган. Мактабни тугатаётган ўқувчиларнинг кўпчилиги пойтахтдаги олий ва ўрта махсус билим юртларига кириб ўқишдек қулай имкониятга эга.

Шу боисдан ҳам ўтган йили ўрта мактабларни тугаллаган 20644 нафар ёшларнинг 10759 нафари олий ўқув юртларига ариза топширишган. Айниқса, бу кўрсаткич вилоятнинг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Оққўрғон туманлари ва Ангрен шаҳридан мактабни 1999 йилда тугатган кўпчилик ўқувчи ўқиш истагини билдирганлигида ҳам яққол намоён бўлди. Лекин бу кўрсаткич Оҳангарон, Олмалиқ ва Янгийўл шаҳарларида ва Бўка туманида жуда паст.

Ана шу масалани ўрганиш мақсадида дастлаб биз вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Анвар Зокиров билан Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлимида бўлганимизда мудир Саидаҳмад Умрбоев, ўтган йили 467 нафар ўқувчи мактабни тугатганлигини, шундан 17 нафари намунали хулқи ва фанлар бўйича аъло баҳоларга ўқиганлиги учун махсус аттестатга сазовор бўлганлигини, 106 нафари олийгоҳларда ўқиётганлигини айтди. Бироқ, республика Давлат Тест марказидан олинган маълумотга кўра, Янгийўл шаҳри мактабларини ўтган йили 451 нафар ўқувчи тугатган, олий ўқув юртларига эса 93 нафар йигит-қиз ҳужжат топширган.

Бу — шаҳар бўйича ўтган йили ўрта мактаб маълумотига эга бўлган ёшларнинг ўқишга интилиши (киргани эмас) 20 фоиздан сал ошганлигини кўрсатади. Нега, ҳаёт остонасида турган ёшларнинг олий маълумот олишга интилиши бунчалик паст?

Янгийўл туманининг маркази Гулбаҳор қўрғони ҳисобланади. 1-ўрта мактаб ана шу қўрғонда жойлашган. Мактаб биноси 1976 йилда 1176 ўқувчига мўлжаллаб қурилган. Айни кезда бу ўқув даргоҳида 1572 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.

— Ўтган йили 11-синфни 65 нафар ўқувчи тугатган эди. Ана шу болалардан 3 нафари олий ўқув юртига кирди, — дейди мактаб директори Исмоил Эрназаров. — Албатта, бу кўрсаткич билан мақтанолмаймиз. Бу йил эса биз битирувчиларимиз устида қаттиқ ишладик. Сон ва сифат ошади, деган умиддаман. Бироқ бир эътирозим бор, — дея сўзини давом эттирди директор. — Ҳамон «География», «Янги тарих» фани сингари эски дарсликлардан фойдаланиш ҳоллари мавжуд. Ахир бундай довдираш қачонгача давом этади? Яна бир муаммомиз — кимё, тарих фанларидан ўқитувчилар йўқлиги.

Янгийўл туманининг Абдулла Ортиқов номли хўжалигида жойлашган 35-ўрта мактабда Манзура Хошимова қарийб бир йилдан буён директор вазифасини бажараётган экан. (Бу ҳам таълимдаги эътиборсизликдан бир кўринишга ўхшайди). Мазкур илм масканини ўтган ўқув йилида 14 ўқувчи тугатган. Бир нафари олий ўқув юртига кирган, холос.

— Ўқувчиларимиз бу йил барча ҳаракатларимизни оқлашига ишончим комил, — дейди Манзура Хошимова. — Хўжалик томонидан мактабга умуман ёрдам йўқ. Ҳар ҳолда капитал таъмирлашга муҳтож бинолар мавжуд. Мактаб учун мослаштирилган биноларнинг ҳам қурилганлигига 40 йилдан ошган. Тўғри, бундан уч-тўрт йил бурун янги мактаб қуриш режалаштирилган эди. Мактаб учун ажратилган ер ҳам хўжалик раҳбарияти томонидан аҳолига участка сифатида сотиб юборилди.

Мактабда муаммолар кўп экан. Мактаб маъмурияти туман молия бўлими томонидан ҳам сиқувга олинган. Мактабда махсус билим олаётган 3 та гуруҳ 2 та гуруҳга айлантирилган. — Бу эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 28 июлдаги 352-қарорига зиддир, — дейди Манзура опа.

— Молия вазирлиги томонидан вилоят бўйича 6200 синфни қисқартиринглар, дейилган. Шу кунгача 2329 та синфни қисқартирдик, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Анвар Зокиров. — Мана шу қисқартиш ҳам биз учун қийин бўлди. Ахир бир партага 3 болани ўтқазолмаймиз-ку.

Мазкур қарорнинг 1-банди 2-сўзбошисида «Ўзбекистон Республикаси Давлат тилидан бошқа тилларда дарс ўтадиган мактабларда, чўл, тоғли ва узоқ масофадаги мослаштирилган, махсус бўлмаган биноларда жойлашган мактабларда, синфлардаги ўқувчиларнинг сонини маҳаллий молия ва халқ таълими идоралари билан келишган ҳолда, уларнинг шароитлари ҳисобга олинган ҳолда тўлдириш таъмин этилсин» дейилган. Ҳайрон қоласан, масъул идоралардаги раҳбарлар газета ўқимайдиларми ёки бошқа сабаблар бормикан? Негаки, ҳукумат қарори турса-ю тушунмовчиликлар вужудга келса. Ватан келажаги бугун ана шу партада ўтирган болакайларга боғлиқ-ку? Бу борада ўйламай босилган ҳар бир қадам эртага жуда катта йўқотишга, салбий ҳолатларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин.

— Туманимизда 49 та мактаб, 1 та лицей, 15 та боғча бор, — дейди Оққўрғон тумани халқ таълими бўлими мудираси Каромат Раҳмонова. — Ана шундан 6 таси авария ҳолатида, 37 таси мослаштирилган биноларда жойлашган мактаблардир. Шунга қарамай, мактабларни таъмирлаш учун бюджетдан бу йил 1,7 миллион сўм бизга беришмоқчи. Ҳисоблаб кўрдик, биргина 23-мактабнинг яроқсиз бўлиб қолган томини янгилаш учун 20 миллион сўм керак бўларкан.

Оққўрғон туманида сўнгги йилларда биронта мактаб қурилмаган. Борлари ҳам хароб аҳволда. Мана шундай оқибатлар натижасидирки, туман ҳам вилоят сингари кўрсаткичлар бўйича охирги ўринлардан бири — ўнинчи ўринга тушиб қолган.

Бу йил оққўрғонлик 1010 нафар ёш йигит-қиз 11-синфни тугатяпти. Албатта, уларнинг ҳам орзу-умидлари кўп. Лекин ана шу интилишларини рўёбга чиқариш учун билим ва иқтидори етарлимикан? Буни тест натижалари кўрсатади.

Хуллас, пойтахт вилояти мактаблари аҳволи билан танишганимизда мавжуд 891 та умумтаълим мактабларининг 420 таси мослаштирилган, 40 дан ошиғи авария ҳолатидаги биноларда жойлашганлигига гувоҳ бўлдик. Ана шулардан 560 та мактабда газ, 689 та мактабда канализация, 121 та мактабда ошхона ва буфетлар, 28 мактабда кутубхона, 416 мактабда спорт заллари, 46 та мактабда ҳатто спорт майдони, 192 мактабда эса тоза ичимлик суви йўқлигига нима дейсиз? Ҳатто, 29 та мактабда уч сменада ўқишни ташкил этишга мажбурлигига-чи?

Дарҳақиқат, вилоятда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида таълим-тарбия жараёнини яхшиламай, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамламай туриб, ривожланиш бўй кўрсатолмаслиги аниқ. Бунинг учун энг аввало таълим-тарбияга бошқош мутасаддилардан изланишни, интилишни давр тақозо этади.

■ Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ
## 1991 — 2000
### 1999 ЙИЛ

**27 февраль.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши XIX пленуми бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда демократиянинг қарор топиши ва ривожланиши ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг навбатдаги вазифалари, Ўзбекистон ХДП ташкилотларида ҳисобот-сайловлар, Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг хотин-қизларнинг жамият ва партиядаги мавқеини ошириш бўйича тадбирлари, ЎзХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг 1998 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисобати, Ўзбекистон ХДПнинг республика Олий Мажлисидаги фракциясининг ўтган йилдаги фаолияти ҳақида ахборот, Ўзбекистон ХДП 1998 йилги бюджети бажарилишининг якунлари ва унинг 1999 йилги бюджети лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари ҳамда партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.

**12 апрель.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан МК Сиёсий ижроқўмининг умумий нуқтаи назари ишлаб чиқилди ва уни Олий Мажлис XIV сессиясида ифода этиш партиянинг мамлакат парламентидаги фракцияси аъзоларига тавсия қилинди.

**12 апрель.** Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг республика Олий Мажлисидаги депутатлар фракцияси аъзолари парламентнинг навбатдаги сессияси олдидан анъанавий машваратга йиғилдилар. Унда XIV сессия кун тартибига киритилиши таклиф қилинаётган масалалар ва қабул қилиниши мўлжалланаётган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг шу ҳақдаги тавсиялари ҳамда фракциянинг умумий ёндашувлари тўғрисида сўз юритилади.

**21 апрель.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти «Аёл ва жамият» мавзусига бағишланди. Машғулотда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова маъруза қилди.

**Апрель.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши XIX пленуми, партия Низомига мувофиқ, ташкилотнинг барча тузилмаларида навбатдаги ҳисобот-сайловларни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Партиянинг сиёсий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланишига хизмат қилишга даъват этилган ушбу мавсумнинг биринчи босқичида ҳисобот-сайловларнинг бошланғич ташкилотларида ўтказилиши кўзда тутилган. Апрель ойи давомида Ўзбекистон ХДП даги 14500 га яқин бошланғич партия ташкилотларининг учдан икки қисмида шундай мажлислар бўлиб ўтди.

*(Давоми бор)*

# ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИ

Сянганда 14-халқаро сайёҳлик кўргазмаси очилди. Унда дунёнинг 44 та мамлакатидан соҳа вакиллари иштирок этаётир. Ҳар йили мунтазам ўтказиладиган бу тадбир Хитойнинг махсус маъмурий тумани ҳисобланган Сянганда сайёҳликнинг ривожи учун муҳим ҳисобланади. Маълумотларга кўра, жорий йилда бу ерда 10,7 миллион хорижий сайёҳ меҳмон бўлган ва бундан олинган даромад 6,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

# ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИШДИ

Югославиянинг Косовка-Митровица шаҳри қамоқхонасида серб маҳбуслари очлик эълон қилди. Улар БМТ миссияси бошлиғи Бернар Кушнердан норози бўлмоқда. Б.Кушнер ўтган ойда маҳбусларга уларнинг иши июнь ойи бошида халқаро суд томонидан кўриб чиқилишини айтган эди. Бироқ, ҳозирча бу амалга ошгани йўқ.

# ХАБАР РАД ЭТИЛДИ

Покистон раҳбарияти бир неча кун илгари хориж оммавий ахборот воситаларида Покистон ядро қуролини кўпайтириш борасида Ҳиндистонни ортда қолдираётгани ҳақида эълон қилинган хабарни рад этди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги бу ҳақда баёнот берди. Мазкур хабар ҳақиқатта яқин эмас. Расмий Исломобод қуролланишга ҳаракат қилаётгани йўқ, балки ядро қуролларини чегаралаш тарафдори, деб таъкидланган ушбу баёнотда.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

# «ЎЗБЕКЛАРДАН ЎРНАК ОЛСА АРЗИГУЛИК»

***Ҳозирги кунда Европа мамлакатларида кўплаб ўзбекистонлик талабалар ўқишмоқда. Шунингдек, чет эл ёшлари ҳам Ўзбекистонда таълим олишни истайдилар. Негаки, шарқу ғарбни бир-бирига боғлайдиган мамлакатнинг фан ва маданияти аҳамиятли, уларнинг ўрни ва қудрати беқиёсдир. Қуйидаги мусоҳабада германиялик талабаларнинг ҳаёти, уларнинг Ўзбекистон ҳақида фикр-ўйлари, таассуротлари билан ўртоқлашасиз.***



Руҳина ТОШҚИН, *24 ёшда. Миллати ўзбек. Ўзбек, немис ва форс-тожик тилларини билади. Берлиндаги «Ҳумболдт» («Humboldt») университетида таҳсил олади.*

**— Аввало, Ўзбекистондек куёшли ўлкага хуш келибсизлар! Юртимиз сизларга манзур бўлдими? Унинг нимаси эътиборингизни тортди?**

Руҳина Тошқин: — Мен бахтлиман. Менга Ўзбекистонни кўриш, Она Ватан ҳавосидан нафас олиш насиб этди. Мен китобларда ўқиган, ватандош саркарда Амир Темур руҳи кезаётган муқаддас ўлкани саёҳат қилаяпман. Самарқанд, Бухоро, Хивадек қадимий шаҳарларни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлиб турибман.

Ўзбекистон менга жуда ёқди. Ўзбек бўлганим учунми, билмадим, ватанни кезиш ҳисси бошқача таъсир қиляпти. Бу ердаги жамики нарсалар эътиборимдан четда қолаётгани йўқ. Шаҳарлари дейсизми, одамларими, уларнинг меҳмоннавозлиги-ю, меҳри дарёлиги, юриш-туришлари-ю, самимий муомалаларини синчковлик билан кузатяпман. Бу эса менга ҳаяжонли дақиқаларни ва яна қандайдир хотиржамликни бахш этмоқда.

**— Руҳинабону, сиз ўлкамизга сайёҳ сифатида келдингизми ёки бошқа режалар биланми?**

— Аввало, ягона мақсадим Ўзбекистонни кўриш эди. Орзуларим, режаларим эса мана шу мақсад билан боғлиқ.

Мен «Ҳумболдт» университетининг «Ўрта Осиё фани» бўлимида таҳсил оламан. Бу эса бевосита шу ўлка тарихи, маданияти, халқи, фани, тили ва дилини ўрганиш билан чамбарчас боғланган. Шу сабабли ҳам ўзбеклар тарихини, қолаверса, Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданиятини ўрганмоқчиман.

Яна бир гап, Берлиндаги ўқишимни тугатиб, Ўзбекистонда давом эттириш ниятидаман.

**— Ўзбек ва герман ёшлари ўртасида муштараклик борми? Фарқли томонлари нималарда кўринади?**

— Икки юрт ёшлари ўртасидаги ўхшаш ва айни дамда бир-биридан фарқли жиҳатлар анчагина. Буни мен Шарқу Ғарбнинг иқлими, табиати, муҳитига боғлагим келади. Негаки, инсоннинг улғайиши ана шу жиҳатлар уйғунлигида камол топади. Ўзбек ва немис ёшлари меҳнаткашлигида, илмга чанқоқлигида ўхшашликлар бор. Уларнинг ўз мақсадларига интилишида ҳам умумийлик сезилади. Бироқ Ғарб ёшлари юриш-туришида ўша ғарбона муҳитнинг таъсири кучли бўлса, Шарқ ёшларида шарқона ҳаёт таъсири кучли. Ўзбек ёшларининг ўзга тилни ўрганишга бўлган қизиқишлари менга жуда маъқул келди. Ҳатто бундан немис ёшлари ўрнак олса арзигуликдир.



*Асина Қизилтепа-КЎКШЕН, 23 ёшда. Штутгарт («Stuttgart»)да таваллуд топган. У «Ҳайделберг» университети талабаси.*

**— Асинахон, сиз ўзбек хонадонида меҳмон бўлдингизми?**

— Ҳа, бу жаннатмакон юртга келганимиздан буён кўпгина ўзбек хонадонларида меҳмон бўлдик. Очиғини айтганда, сизларда шарқона лутф, шарқона манзарат қилиш ўзига хос экан. Ўрнак олса арзигулик, меҳмондўстлик одатлари фақат сизларгагина хос.

**— Ўзингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

— Мен Штутгартда туғилганман. Ҳозир «Ҳайделберг» университетида таълим олаяпман. Шарқий Европа тарихи ва ислом фанини ўрганишга қизиқдим ва шу соҳани танладим.




**— Қадимий Самарқанд, Бухоро шаҳарларида бўлдик дедингиз. У ердаги тарихий обидалар, шаҳар чиройи ҳақида таассуротларингиз? Айтинг-чи, Германия ва Ўзбекистондаги шаҳарлар бунёдкорлиги бир-бирига ўхшаб кетадими ёки аксинчами?**

— Биласизми, биз Самарқанд, Бухоро ва Хива ҳақида кўп эшитганмиз. Улардаги асрдан асрга ўтиб келаётган тарихий обидалар тўғрисида китобларда ўқиганмиз. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, германлар, умуман, Европа халқи сизларнинг тарихий шаҳарларингизни кўришга орзуманд. Чунки ўзбек халқининг маданий ва маънавий мероси жуда бой ва ўз навбатида улар азалийдир. Ана шу тарихий меросда меъморчилик ва ҳунармандчиликнинг такрорланмас намуналари сақлаб келиняпти. Шу боис тарихий шаҳарлар Ўзбекистоннинг бойлиги, деб ўйлайман.

Биз Самарқандда икки кун, Бухорода бир кун бўлдик. Уларнинг таърифи беқиёс. Тўғрисини айтганда, мен туш кўраётгандайман. Гўё эртакларда таърифланган сеҳрли шаҳарда юргандайман. «Шоҳи Зинда», «Гўри Амир», «Бибихоним», «Улуғбек» мадрасалари, «Регистон», «Чор минор», «Минораи калон», «Сомонийлар мақбараси» сингари қадимий обидаларга ҳайрат билан боқдим. Уларнинг тарихини қизиқиб эшитдим. Таассуротларим эса бир олам.

Энди Германия ва Ўзбекистон шаҳарлари тўғрисида гапирадиган бўлсам, улар ҳеч қачон бир-бирини такрорламаган ва бир-бирига ўхшамайди. Ҳар иккала юрт шаҳарлари ўзигагина хос кўркамликка эга. Худди шу сингари Германияда ҳам қадимий, кўркам шаҳарлар бор ва улар ҳам немислар маданияти ва тарихи учун ўта муҳим.

**— Асинахон, немис тўйлари, байрамлари ҳақида гапириб берсангиз. Масалан, уларда никоҳ тўйи қандай ўтказилади?**

— Очиғини айтганда, немис халқи ҳисоб-китоб билан яшашни хуш кўришади. Вақтни жуда қадрлашади. Эҳтимол, уларнинг ўзига хосликлари ҳам шу одатларидадир. Барча халқлар сингари герман халқи ўз анъаналари, байрамлари ва тўйларини нишонлашади. Дейлик, никоҳ тўйи сизларникидан фарқ қилади. У ерда келин ва куёвнинг бир-бирига кўнгил қўйиши асосий ҳисобланади. Куёв томон келиннинг уйига совчи бўлиб бормайди. Куёв ва унинг жўралари тўйдан олдин саёҳатгами ёки базммми уюштиради. Буни бўйдоқлик билан хайрлашиш анъанаси, деб ҳам тушуниш мумкин. Эртаси куни тўй бўлади. Шу куни черковга борилади ва келин-куёвнинг розилиги сўралади. Сўнгра 50-100 кишига яқин меҳмонлар билан ресторанда никоҳ базми бўлади. Қисқаси, улар тўйларни жуда ихчам шаклда ўтказишади.

**— Руҳина, Асина ўзбек ёшларига тилакларингиз.**

**Руҳина:** —Мустақил юрт ёшларига, дўстларимга ягона тилагим: азизларим, вақтдан унумли фойдаланинг. Ўқинг ва ўрганинг. Фақат мақсад билан яшанг!

**Асина:** — Мен ўзбек дўстларимни ҳамиша севиб қоламан! Омад ва бахт ёр бўлсин. Сизларни Германия ўлкасига таклиф этаман!

■ **Насиба ШАРИФ қизи суҳбатлашди**

# ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ ТЎХТАТИЛДИ

Япониянинг марказий туманларида кучли довул туриши оқибатида камида 17 киши жароҳатланди. Хабарларга қараганда, шамолнинг кучи баъзи жойларда секундига 36 метрни ташкил этаётир. Табиий офат оқибатида Токио атрофида қатновчи поездларнинг ҳаракати вақтинчалик тўхтатилди.

# БЕШ ВИЛОЯТ БИРЛАШУВИ

Фиджининг бешта ғарбий вилояти бирлашмоқчи. Вилоят раҳбарларининг фавқулодда йиғилишида ғарбий ҳудудни алоҳида мамлакат сифатида Фиджидан тўлиқ ажратиб олиш ғояси муҳокама этилди.

Мамлакатда юзага келган нотинч вазият ҳамон ўзгаргани йўқ. Парламентни ишғол этиб, 30 кишини гаровга олган исёнчилар ва ҳукумат ўртасидаги музокаралар ҳеч қандай натижа бермаётир.

# ЕРОСТИ ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

Фаластин полицияси Миср билан чегарадош Газа қишлоғида қўшни давлат ҳудуди билан туташиб кетган ерости йўлини топиб олди. Полициячиларнинг айтишича, ушбу ерости йўли Мисрдан Фаластинга контрабанда маҳсулотларини киритиш учун қазилган. Унинг узунлиги 140 метр, чуқурлиги 8 метрга тенг.

Ҳозир мазкур иш бўйича беш киши сўроқ қилинмоқда. Хабарларга кўра, сўнгги икки йил ичида полициячилар шунга ўхшаш 26 та ерости йўлини топган.

# «ҚОРА ОЛТИН» НАРХИ ПАСАЯДИМИ?

Саудия Арабистони, Венесуэла ҳамда Мексика нефть саноати вазирлари яқин кунларда ўзаро учрашув ўтказишни режалаштирмоқда. Унда жорий йилнинг учинчи чорагида «қора олтин» қазиб чиқариш ҳажмини ошириш масаласи муҳокама қилинади.

Жаҳон бозорида нефть нархининг ўсиб бораётгани сабабли АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари мазкур хомашёни қазиб чиқаришни кўпайтириш орқали унинг нархини тушириш мақсадида ОПЕКка аъзо давлатларга тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилаётир. Саудия Арабистони, Венесуэла ва Мексика нефть саноати вазирларининг бўлажак учрашуви мана шу тазъйиқ натижаси сифатида баҳоланмоқда.

# АҲОЛИ ҚАШШОҚЛАШМОҚДА

Мўғулистон аҳолиси тобора қашшоқлашиб бормоқда. Мамлакат оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, 1996 йилдан 1999 йилгача қашшоқлар сони 26,5 фоиздан 36,2 фоизгача ўсган. Ҳукуматнинг энг кам иш ҳақи миқдорини ҳаддан зиёд паст қилиб белгилагани мамлакатда камбағаллар сонининг тобора ошиб боришига сабаб бўлаётир.



Миср манзаралари

АВТОМОБИЛСОЗЛИК

# САНОАТДАГИ «КАТТА САКРАШ»

1913 йилда Генри Форд автомобилсозликда йиғув линиясини жорий этгандан кейин тармоқ ишлаб чиқаришида улкан сакраш рўй берди. Шу вақтга қадар автомобилларни худди уй қургандек ясар эдилар, яъни, ишчилар жойни танлаб олишарди-да, машинани пастдан юқорисигача йиғишарди. Улар ўз асбоб-ускуналари билан бир иш жойидан иккинчисига ўтиб, ўз зиммасига юклатилган операцияни бажарар эдилар. Натижада, агар имиллаган ишчи келиб қолгудай бўлса, у қолган ишчиларнинг ҳаммасини тўхтатиб турарди. Бу эса ишлаб чиқариш суръатини пасайтириш билан бирга, қолган малакали ишчиларнинг ҳам даромади камайишига сабабчи бўларди. Ундан ташқари, Форд ўзининг корхонаси ривожлана борган сари бутловчи қисмларнинг кўпини ўзи тайёрлай бошлади. Илгари буларни бошқа корхоналар етказиб беришарди. Одатда деталларни бир ишчи йиғиб, у барча зарур операцияларни мустақил ўзи бажарар эди.

Кўриниб турибдики, деталларни тайёрлаш ҳам машинани йиғиш жараёни ҳам ғоят қимматга тушар эди ва шу боисдан ўша вақтларда фақат бой-бадавлат кишиларгина автомобилга эга бўлишлари мумкин эди.

Бу ҳол Генри Фордни қониқтирмади ва у машинанинг нархини кўпчилик оилаларнинг қурби етадиган даражагача туширишга қарор берди. Форднинг мақсадини амалга ошириш учун ишлаб чиқариш жараёнида икки факторга алоҳида эътибор берилди. **Биринчиси,** ҳар бир ишчи бажарадиган амаллар миқдорини имкони борича қисқартириш ва барча операциялар ичидан энг оқилона вариантини танлаб олиш, **иккинчиси** эса ишчиларни бажарадиган ишига яқинлаштириш эмас, балки аксинча, ишни уларга яқинлаштириш.

У йиғув линиясини ихтиро этиб, ана шу усулларни топишга эришди. Форднинг 1913 йил апрелида ишга туширган биринчи линиясидан генераторларни йиғишда фойдаланилди. Шу вақтга қадар бир ишчи 9 соатлик иш кунида 25 тадан 30 тагача генератор йиға оларди. Бунинг маъноси шуки, битта генераторни йиғишга салкам 20 дақиқа вақт кетарди.

Янги жараён генераторни йиғиш вақтини қисқартириб, ўрта ҳисобда 13 дақиқагача туширди. Бир йилдан кейин, ишлаб чиқариш жараёни энди 84 та операцияга ажратилгандан сўнг йиғиш вақти ҳар бир генератор учун 5 дақиқагача қисқаришига эришилди.

Конвейер-йиғув линиялари автомобилларнинг нархини миллионлаб америкалик оилалар қурби бемалол етадиган даражагача пасайтирди. Бунинг натижасида рўйхатга олинган автомобиллар сони кескин кўпайиб, 1912 йилдаги 944 мингтадан 1925 йили 20 миллионга етди.

Генри Форд иқтисодчи эмас эди, лекин у Америка саноати ва турмуш даражаси учун инқилобий аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш стратегиясига асос солди.

■ **Ҳудоёр ҲАМИДОВ**

# САВДО АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Маълумотларга қараганда, жорий йилда Германия ва Россия ўртасида савдо айланмаси ҳажми анча ошган. Масалан, экспорт миқдори дастлабки уч ойда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35,6 фоиз кўтарилган ва 2,5 миллиард маркани ташкил этган. Импорт миқдори эса икки баробар ўсиб, 6 миллиард маркага етган. Умумий савдо айланмаси ҳажми эса 20,5 фоизга ошиб, 275 миллиард маркани ташкил этди.

■ **(ЎзА)**

# ДАРАХТ БИР ЗУМДА ЎССА-Я?!

Ҳа, бир тунда осмонча ўсиб кетадиган дарахтлар ҳозирча эртак холос. Лекин бугуннинг технологияси дарахтларни бир тунда осмонча бўлмаса-да, ҳар қалай ўсишини бироз тезлаштириш имконини бермоқда, яъни 30-50 фоиз тез ўсиш усули ишлаб чиқилди. Бу ихтиро инсониятга беминнат кислород ишлаб чиқарадиган дарахтзору ўрмонлар ўрнини тез тўлдирадиган, шунингдек, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз саноати учун хомашё бўлиб хизмат қиладиган ўсимлик турларини «тез етиштириш»га замин яратади.

Ушбу юз йиллик охирларида озиқ-овқат тақчиллиги, ўрмонларнинг инсоният томонидан мислсиз кесилиши улкан муаммога айланди. Баъзида кутилган натижага эришиш учун биттагина тугмачани босишнинг ўзи кифоя бўлган ҳозирги техника даврида ўсимликлар ўсишини тезлаштириш ва бир зумда иккала улкан муаммони ҳал этиш мумкин бўлса қани эди...

Лекин ноумид шайтон дейдилар. Бу борадаги интилишлар сезиларли натижалар бериши кутилмоқда. Доктор Одед Шоссейов ва Реховотдаги Яҳудийлар университети олимлари айнан шу ғоя устида ишлашмоқда. Улар CBD (Cellulose Binding Domian) дея номланган генни аниқлашга муваффақ бўлишди.

CBD гени ёрдамида целлюлоза учун биологик елим ўрнини босувчи протеинни катта миқдорда ишлаб чиқариш имкони туғилади.

— Целлюлоза — табиатда энг кўп тарқалган ва биосферанинг асосий таркибий қисми ҳисобланган моддадир, — дейди доктор Шоссейов. — Кундалик ҳаётимизда фойдаланиладиган кўплаб нарсалар: кийим-кечак, қоғоз, мебел таркибида целлюлоза бор. У углерод жараёни давомида мунтазам ишлаб чиқарилади. Ўсимликлар ўсишини акселерациялаш, шунингдек, целлюлозага бошқа молекулаларни қўшиш мақсадида ген муҳандислигидан фойдаланиш мумкин.

Қуддус университети лабораторияларида бу технологияларни аввал тамаки ўсимликларида текшириб кўришди. Кейин ген муҳандислиги терак ва картошка ўсишини жадаллаштириш мақсадида қўлланилди. Ҳозирги пайтда сабзи, помидор ва маккажўхори устида синовлар ўтказилмоқда.

— Ҳозиргача бу усул барча ўсимликлар учун самарали бўлади, деб айтолмаймиз, — дейди доктор Шоссейов. — Бироқ барча ўсимликлар таркибида целлюлоза бўлганлиги сабабли, муваффақиятга эришиш эҳтимолдан ҳоли эмас. Янгиликни Шимолий Америкада ўсадиган теракда текшириб кўрдик. Умид қиламизки, қоғоз ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган эвкалипт (асосан Австралияда ўсадиган доим яшил улкан дарахт)ни тез ўстириш учун ҳам уни қўллаш фойда беради. Лекин бу янгилик амалиётда қўлланилиши ва аниқ натижалар беришига қадар ҳали кўп ишлаш зарур.

CBD технологияси бошқа соҳалар, масалан, фармацевтика саноатида озиқ-овқат маҳсулотларини тадқиқ қилиш учун ташхис воситаларини яратиш мақсадида, шунингдек, клиник ва ветеринар анализларни бажариш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Ҳатто таркибида энзима бўлган кир ювиш кукунини ишлаб чиқариш ҳам бу технологиядан фойда кўриши эҳтимоли мавжуд, чунки «қўшиш» усулини қўллаган ҳолда энзималарни бевосита кир тўқималарига «юбориш» имкони туғилади.

Генетик ўстирилган Долли қўйида муддатидан аввал қариш аломатлари аниқланган бўлса-да, доктор Шоссейов бу усул акселерацияланган ўсимликлар учун ҳам хатар туғдириши мумкинлигини инкор этмоқда. Негаки, CBD технологияси ҳайвонларни генетик ўстириш технологиясидан жиддий фарқ қилади. Дарҳақиқат, усулнинг амалдаги натижалари тез орада аён бўлади. Чунки Американинг Виржиния штатида «тез ўсувчи» ўсимликлар тажриба плантациясини яратиш ҳақида қарор қабул қилинибди.

■ **Зилола ЖУМАЕВА тайёрлади**

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали**
**Сиз азизларни 2000 йил 5,12,19,26 июль, 2,9,16,23,30 август, 6,13,20,27 сентябрь кунлари соат 10⁰⁰ да ўтказиладиган навбатдаги**

***аукцион савдоларига таклиф этади.***

5 июлда бўладиган савдога қуйидагилар қўйилади:
1. Бўка шаҳри Ҳамза даҳасида жойлашган сатҳи 608 кв.м. бўлган 6 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг **бошланғич нархи — 69300 сўм.**
2. Зангиота тумани Иттифоқ ширкат хўжалигида жойлашган сатҳи 400 кв. м. бўлган 14 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг **бошланғич нархи — 191400 сўм.**
3. Пскент жамоа хўжалигининг 2-бўлимида жойлашган сатҳи 400 кв. м. бўлган 10 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг **бошланғич нархи — 48720 сўм.**
4. Пскент жамоа хўжалигининг 2-бўлимида жойлашган сатҳи 600 кв. м. бўлган 5 та ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг **бошланғич нархи — 73080 сўм.**

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона.**
**Тел: 133-28-52, факс: 133-49-31.**

**Хитойда ишлаб чиқарилган ун тегирмонлари, ёғ ва гуруч жувозлари, маккажўхори ширин қаламчалари тайёрланадиган**
**ДАСТГОҲЛАР**
**сотилади.**
**Телефон: 22-24-74.**

**ЦИРК, ЦИРК, ЦИРК**
Тошкентда биринчи марта
**«ХИТОЙ ДЕВОРИ»**

**Мўъжизали цирк жанрларидан иборат томошалар 2 июндан бошлаб ҳар куни намойиш этилади.**
**Мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги санъат мухлислари ҳам бу томошаларга бемалол марҳамат этишлари мумкин.**

**Манзил: Тошкент шаҳри,**
**Хадра майдони, Цирк биноси.**
**Телефонлар: 144-35-91, 144-29-04.**

